



# O'ZBEKISTON OVOZI

2012-yil, 22-may, Seshanba • 63 (31.495) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Давлат ва жамият бошқаруви тизимига, шунингдек, иқтисодиётнинг турли тармоқларига замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Бу соҳанинг ривожини миллий иқтисодиётнинг барқарорлиги ва рақобатбардошлигини оширишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.



Муродбек ЗИЕ олган суратлар.

## МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ҚОНУНЧИЛИК УЙҒУНЛИГИ

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин қўшилган биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжат ҳам Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидир.

Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш изчил давом эттирилаётгани, «Хабас корпус» институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтиришга эътибор қаратилаётгани фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида умумэтироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг амалга оширилишига хизмат қилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қондалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилигимизнинг барча меъёrlаридан ўз ифодасини тоган.

Олий ҳўжалик суди раисининг ўринбосари Ш.Саидов ва бошқалар мамлакатимизда Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнининг изчил амалга оширилиши инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг муҳим кафолатига айланганини таъкидлади. Жиноятларнинг таснифлаши тўла ўзгартирилди. Бунда оғир жиноятлар тоифасига кирувчи жиноий хатти-ҳаракатлар рўйхати сезиларли даражада қисқартирилди.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича юзга яқин халқаро ҳужжатларга қўшилди ва уларнинг талабларини самарали ижро этиб келмоқда. Пойтахтимизда одил судловни амалга оширишнинг халқаро стандартларига бағишланган давра суҳбатиде бу алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Олий суд ҳузурдаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ҳамда Фридрих Эберт жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда судьялар, олимлар, халқаро экспертлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, судлар томонидан фуқаролар ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари изчил амалга оширилмоқда. Судлар жиноий, фуқаролик, ҳўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилди, суд ишларини апелляция ва кассация тартибиде қўриб чиқиш, ярашув институтлари жорий қилинди. Прокурор ва адвокат ҳуқуқларининг тенглиги таъминланди. Улим жазосининг беқор қилиниши, ҳибса олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилгани инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

— Халқаро ҳуқуқ нормалари инсон манфаатлари, хоҳиб-иродасидан келиб чиқиб қабул қилинган стандартлардир, — дейди Фридрих Эберт жамғармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий вакили Пэр Тешендорф. — Уларни миллий қонунчилигига самарали имплементация қилган давлат нафақат ўз фуқаролари манфаатларини юқори даражада ҳимоялайди, балки жаҳон ҳамжамиятида мустақам ўрин ва нуфузга эга бўлади. Ўзбекистон қисқа давр ичиде ушбу йўналишда жуда кўплаб ютуқларга эришгани эътиборга молик.

Ўзбекистон Олий суди ҳузурдаги Тадқиқот маркази директори Ж.Ҳайдаров,

Давра суҳбатиде суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш, суд ҳокимиятининг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги ўрни ва ролини янада мустақамлаш юзасидан фикр алмашилди.  
**Н.АБДУРАИМОВА,**  
ЎЗА мухбири.

## МИЛЛИЙ ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТЛАР

бозорини ривожлантириш масаласи муҳокама этилди

Мамлакатимизда ахборот ва коммуникация технологиялари ривожланиши учун ҳуқуқий асосни мустақамлашга жиддий эътибор қаратиляпти. Соҳага оид 11 та Қонун, 40 дан зиёд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, мамлакат иқтисодий саҳоиятини ошириш, барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш дастурий таъминот индустрия-ривожига кўп жиҳатдан бoғлиқ.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда ўтказган давра суҳбатиде миллий дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқишни талаб даражасида ташкил этиш масаласи муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда.)

**Партиялараро баҳс**

**ЛИБЕРАЛЛАРНИНГ ЭЪТИБОРСИЗЛИГИ**

натijasида Сирдарё туманидаги фермер хўжаликлариде қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш ишлари оқсамoқда

2-бет

**ЎзХДП: Иш ва фаровонлик — барча учун**

**АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ**

ижтимоий ҳимоя тизимининг муҳим йўналиши

2-бет

## Тадбир



## БЎЛҒУСИ СЕРЖАНТЛАР ҚАСАМЁД ҚИЛИШДИ

Ички ишлар вазирлиги Академиясиде ташкил этилган Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслар — соҳавий хизматлар учун мутахассис кадрлар тайёрловчи махсус таълим муассасаси ҳисобланади.

⇒ 3

## «СУРҒИЛ» ЛОЙИҲАСИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҲУЖЖАТЛАР ПАКЕТИ ИМЗОЛАНДИ

Тошкент шаҳрида 2012 йил 19 май куни «Ўз-Кор Газ Кемикал» қўшма корхонаси ва кредиторлар консорциуми ўртасиде газ қазиб олиш ва нефть-кимё мажмуаси соҳасидеги «Сурғил» кони негизиде Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши» лойиҳасини молиялаштириш ва амалга ошириш бўйича кредит ва лойиҳа битимлари пакети имзоланди.

Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши 2016 йилдан бошлаб йилига 4,5 миллиард куб метр табиий газ, 400 минг тонна юқори зичлиқдаги полиэтилен, 100 минг тонна полипропилен, 110 минг тонна пиролиз бензини ишлаб чиқариш, бевосита мажмуанинг ўзиде мингдан ортиқ янги иш ўрнини яратишни таъминлаш имконини беради.

(Давоми 3-бетда.)

## Гимнастика

## СПОРТ, ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

Тошкентда бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги бoсқичи мусобақалари ва «Happy Caravan» халқаро турнири ниҳоясиге етди

18-20 май кунлари пойтахтимиздаги Бадий гимнастика бўйича олимпия захиралари республика болалар-ўсмирлар ихтисослашган мактаби базасиде спортнинг энг гўзал ва нафис турларидан бири — бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги бoсқичи мусобақалари ва «Happy Caravan» халқаро турнири бўлиб ўтди.



Суратда: (келадан) Нилуфар Нурғалиева (Азербайжан) ва Гавриля Фаразуддинова (Ўзбекистон).

Мусобақалар Халқаро гимнастика федерацияси шафелигида Ўзбекистон Гимнастика федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилди. Бадий гимнастика бўйича жаҳон кубоги бoсқичи беллашувлариде дунёнинг 18 мамлакатидан 120 на-

фардан ортиқ энг кучли спортчи иштирок этди. Мусобақалар кескин ва муросаз баҳсларга бой бўлди. Уларнинг дастуридан яққалик ва гурӯҳ баҳслариде кўпураш ва алоҳида гимнастика предметлари ёрдамиде машқ бажариш бўйича финал беллашувлари жой олди. Аксарият гимнастикачи қизларнинг халқа, тўп, булава ва тасма билан машқ бажариш бўйича юксак маҳорати, мусиқа ва ритми яхши ҳис этиши намoён бўлди.

4-бет

## Бошланғич ташкилот партиянинг асоси

Яқинда Севара Мирсаидова шундай мурожаат қилди. Унинг мурожаати партия куйи бўғиниде ўрганиб чиқилди ва яқдиллик билан ЎзХДП сафига қабул қилинди. Аини пайтда ёш партиядошимиз тадбирларимизда фаол иштирок этмоқда.

## «ЎЗХДП САФИДА БЎЛИШНИ ИСТАЙМАН»

Баҳмал туманидаги бошланғич партия ташкилотларига шу мазмунда мурожаат қилувчилар кўпаймоқда

Жорий йил бошидан бери 28 нафар фуқаро сафимизга қўшилди ва аъзоларимиз сони 1637 нафарга етди. Туманда партиямизнинг 36 та бошланғич ташкилоти бор. Биз уларнинг фаолиятини кучайтириш, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимиде ўтказилаётган ўқувларни куйи бўғинларда юқори савияда ташкил этишга, етакчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий билими, ташкилотчилик маҳоратини оширишга ҳаракат қилаймиз. Шу боис, бошланғич ташкилотлар фаолилашиб бораёпти.

Шунингдек, партия бошланғич ташкилоти ва маҳаллий Кенгаш депутатлари қанча фаол бўлса, ҳамжамиятда иш олиб бoрса, партиянинг жамоатчилик билан алоқаси шунча мустақамланади. Бу эса жойларда муаммолари масалаларни тез илғаб олиш, уларнинг ечимини топиш, қолверса, партиянинг дастурий мақсадлари тарғиботини самарали амалга ошириш имконини кенгайтиради.

Бугун халқ депутатлари туман Кенгашидаги 30 нафар депутатнинг 14 нафари ЎзХДП вакиллари. Улар доимий комиссия йиғилишлари, туман Кенгаши сессиялариде фаол иштирок этиб келмоқда. Қаҳрамон Бектемиров, Янглиш Абдужалилова, Гулжаҳон Пардаева, Рисолат Холбекова каби депутатларимиз та-

лифи асосиде ўтган йили ва шу йилнинг дастлабки тўрт ойиде 5 та масала доимий комиссияга ва 1 та масала туман Кенгаши сессиясиге киритилди, электорат манфаатига хизмат қилувчи қарор қабул қилинди. Ана шундай амалий ишлар партия ташкилотига одамлар ишончини оширади, тарафдорларимизни кўпайтиради.

**Бурҳон ДОНИЁРОВ,**  
ЎзХДП Баҳмал туман кенгаши раиси.

## ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2012 ЙИЛ 22 МАЙДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Евро	2386,82	1 Дания кронаси	321,74	1 Хитой юани	295,49	1 Туркия лираси	1020,45
1 АҚШ доллари	1868,65	1 БАА дирҳами	508,77	1 Украина гривнаси	233,84	1 Швейцария франки	1990,89
1 Россия рубли	59,53	1 Миср фунти	309,12	1 Малайзия ринггити	597,38	10 Жанубий Корея вони	16,03
1 Австралия доллари	1841,18	1 Исландия кронаси	14,71	1 Польша злотийси	549,93	10 Япония йенаси	235,97
1 Англия фунт стерлинги	2958,45	1 Канада доллари	1834,53	1 СДР	2848,76		

\* Валюта қийматини белгилаш чоғиде Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# МИЛЛИЙ ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТЛАР

Бозорини ривожлантириш масаласи муҳокама этилди

Дастурий таъминот маҳсулотлари деганда, электрон ҳужжат ва хат алмашинув тизимлари, банк тизимларини автоматлаштириш ва электрон тўлов дастурлари, бизнес бошқаруви ва бухгалтерия ҳамда масофавий ҳисобот учун дастурлар, меъёрий-ҳуқуқий маълумотлар базадаси, ахборот хавфсизлигини таъминловчи тизимлар, кутубхоналарни ахборотлаштириш, рақамли телевидение хизматларини бошқаришда фойдаланиладиган дастурлар, операциялар тизимлари, шунингдек, веб қўлланмалар тушунилади.

Давлат ва жамият бошқаруви идораларида ахборот алмашинувини яхшилаш, ҳисоб-китоб юришти тизимини такомиллаштириш мақсадида қатор дастурлар яратилмоқда. Linux операция тизими ўрнига Dorrix, 1-C бухгалтерия дастури ўрнига БЭМ, Компьютер саводхонлигини баҳолаш тизими (КСБТ), Norma каби дастурий маҳсулотлар шулар жумласидандир. Бугунги кунда юртимизда дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналар сони 235, дастурий маҳсулотлар миқдори 294 тага етди. Аммо бу ҳозирги талабга жавоб бермайди. Яъни, илғор ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш борасида ўзига хос камчиликлар оз эмас.

«Замонавий ахборот-коммуникация технология-

(Давоми. Боши 1-бетда.)



ларини янада кенгроқ жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарор ижросини таъминлаш ахборот ва коммуникация технологияларини янада ривожлантиришда соҳадаги муаммоларни бартараф этишда долзарб аҳамиятга эга. Қарорда маҳаллий дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, шунингдек, дастурчилар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва унинг сифатини ошириш бўйича

муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Давра суҳбатида Қонунчилик палатаси депутатлари, мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари дастурий маҳсулотлар бозорини ривожлантириш, бу борада қонун ҳужжатлари базасини такомиллаштириш бўйича фикр алмашди.

Унда ахборот технологиялари бозорининг муҳим қисми бўлган дастурий маҳсулотлар индустриясини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг бу тармоғини яна-

да ривожлантириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни изчил йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

— Давра суҳбатида дастурий таъминот индустриясини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришнинг қўнунчилик асосларини такомиллаштиришга қаратилган муайян тақлифлар берилди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракция аъзоси Дилбар Холиқова. — Дастурий маҳсулот яратишда қўйилдиган талаблардан бири —

ахборот хавфсизлиги масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Дастурий маҳсулот ишлаб чиқиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий асосни янада мустаҳкамлаш — миллий ва халқаро хавфсизлик талабларига жавоб бера оладиган дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш, соҳага илғор ахборот технологияларни жорий қилиш, қўриқ малакали дастурчилар тайёрлаш тизимини яратилишига хизмат қилади.

Тулроқ ОДАШБОВА,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: Иш ва фаровонлик — барча учун

Киши яхши яшаши, оиласи тўқин-сочинлигини таъминлаши учун, аввало, ишли бўлиши керак. Шу боис мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Шунга мувофиқ, Фарғона вилоятида ҳам янги иш ўринлари очиш, фаровонликни мустаҳкамлаш борасида қўлдан келган ишлар қилинапти. Бу эса давлат бошқаруви идоралари билан бирга, жамоат ташкилотлари зиммасига аниқ вазифалар юклатилмоқда. Муҳими, бу жараёнда ЎзХДП ташкилотлари ҳам фаол иштирок этаяпти.

## АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

ижтимоий ҳимоя тизимининг муҳим йўналиши

Партияимизнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида ЎзХДП Фарғона вилоят партия ташкилотлари зиммасига жорий йилда аҳоли бандлигини таъминлашга ҳисса қўйиш борасида қатор тадбирлар белгиланган. Хусусан, Қува, Олтириқ, Қўштепа ва Бувайда туманларидаги ёшларни эгаллаган мухтаassisликлари бўйича ишга жойлаштириш, Езёвон туманида мевасабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш бўйича корхоналарни ривожлантириш асосида янги иш ўринлари яратиш, Қувасой шаҳрида хонадонлардаги томорка ерларидан фойдаланиш бўйича мониторинг олиб бориш, юзага келаётган камчиликларни бартараф этиш борасида тақлиф ва тавсияларни сессия муҳокамасига олиб чиқиш бўйича вазифалар юклатилган.

Шундан келиб чиқиб, шаҳар ва туманлардаги партия кенгашлари ишчи гуруҳи тузиб, жойларда бандлик бўйича олиб борилаётган ишларни таҳлил қилинмоқда.

— Вилоятда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш юзасидан жамоатчилик назорати ўрнини муҳим ишларимиздан биридир, — дейди ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Маҳмуджон Маҳкамов. — Худудда дастурда белгиланган иш жойларини ташкил этиш бўйича партия фаоллари ва депутатлардан иборат

ишчи гуруҳи мониторинг ўтказаяпти. Мониторинг натижалари умумлаштирилиб, тақлифлар тайёрланади ва доимий комиссиялар, агар лозим бўлса, сессиялар муҳокамасига олиб чиқилади.

Шунингдек, вилоятда уй меҳнатини ташкил этиш ва шу орқали уйда бола тарбияси билан банд бўлган аёлларни ишга жалб этиш, оилавий даромадни ошириш бўйича ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон туманидаги «Генул текстил» МЧЖда 50 нафар ишчи меҳнат қилади. Уларнинг 20 таси касаначилик асосида ишлайди. Агар корхона ўтган йили 150 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, унинг 80 миллион сўмга яқини касаначилар улушига тўғри келади. Жорий йил бошида яна 10 нафар касаначи аёл ишга қабул қилинди.

Аҳоли бандлигини таъминлашда бўш иш ўринлари ямаркалари ҳам муҳим аҳамият касб этаяпти. Вилоят, туман ва шаҳар партия ташкилотлари бу борада ҳамкор ташкилотлар билан бирга ишлаётгани электротар манфаатини ҳимоя қилишда яхши самара бермоқда. Бу йил вилоятда ўтказилган меҳнат ямаркаларида 1231 та корхона ва ташкилот 3436 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Унда 2497 нафар фуқаро ишга жойлаштириш учун йўланма олди.

Муҳаммадjon ОБИДОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Партиялараро баҳс

# ЛИБЕРАЛЛАРНИНГ ЭЪТИБОРСИЗЛИГИ

натижасида Сирдарё туманидаги фермер хўжаликларида қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш ишлари оқсамоқда

Фермерлар манфаатини ҳимоялаш, уларнинг эркин фаолият юритиши учун қўлай муҳит яратиш, фермер хўжаликларига замонавий технологияларни жалб этиш каби масалалар ЎзЛиДеПнинг устувор вазифаларидан биридир. Улар буни ўз Сайловолди дастурларида аниқ ва равшан белгилаб қўйган.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлашни йўлга қўйиш аграр иқтисодиётда муҳим ўрин тутаяпти. Бу вазифа ижроси аграр соҳанинг етакчи тармоғи — фермер хўжаликларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Шуни таъкидлаш керакки, фермерларга замонавий техника ва технологиялар билан таништириш, харид қилиш ва ишга тушириш борасида давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан

барча имкониятлар яратиб берилган. Хусусан, ҳар йили ўтказиладиган «Uzbekistan Agrominifech Expo» халқаро иқтисослаштирилган кўргазма-савдоси бунга яққол мисолдир. Ушбу кўргазмада иштирок этган фермерлар ўзларига зарур технологияни кредит ва лизинг маблағи ҳисобига сотиб олиб, қишлоққа санатни олиб кираяпти.

Аммо бу масалага Сирдарё туманидаги фермер хўжаликлари фаолияти мисолида қарайдиган бўлсак,

ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳи томонидан бирон-бир амалий иш қилинганга мисол топилмайди. Туман статистика бўлими берган маълумотларга қараганда, ҳозир 760 та фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Пахта ва галла (500 та), чорвачилик (69 та), боддорчилик (87 та), узумчилик (52 та), балчилик (36) ва бошқа фермер хўжаликлари етказиб бераётган маҳсулот маҳаллий истеъмол бозорини тўлдираяпти, аҳоли эҳтиёжини қондиришга катта ҳисса қўшаяпти.

Шу ўринда айтиш жоизки, аграр соҳадаги ислохотлар фермерлардан фақат галла ёки пахта етиштиришни эмас, балки ўзи етиштирган маҳсулотни ўзи қайта ишлашни ҳам йўлга қўйишни талаб этмоқда. Бунини тўғри англаган ва тушуниб етган фермерлар қайта ишлашни йўлга қў-

йиши мумкин. Масалан, тумандаги боддорчилик иқтисослашган «Сирдарё соҳибкори» фермер хўжалиги раҳбари Тўлқин Хошимовнинг (сиёсий партияга аъзо эмас) айтишича, 2011 йилнинг охирида 12 миллион сўм кредит маблағига Жаҳоний Корейда ишлаб чиқарилган мевани қуритиш ускунасини ўрнатди. Унда бир пайтнинг ўзида 450 кг.гача бўлган маҳсулот қуритилиши мумкин. Фермернинг таъкидлашича, бу технологияни олишда туман ҳокимлиги яқиндан ёрдам берган. Аммо бирорта сиёсий партия ёки депутатнинг бунда амалий иштироки йўқ.

Тўғри, туманда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган 3-4 та МЧЖ шаклидаги хусусий фирмалар бор. Лекин фермер хўжаликларида келганда эса аҳвол бошқача. Қайта ишлаш корхоналари

«Сирдарё соҳибкори»дан бошқа бирорта фермер хўжалигида ташкил этилмаган. Ваҳоланки, қайта ишлашни йўлга қўяман, деса, имкониятлар етарли. ЎзЛиДеП Сайловолди дастурида «Партия фаолиятининг устувор йўналишларидан яна бири фермер хўжаликларини ривожлантириш, улар учун зарур инфратузилмани шакллантиришга кўмаклашишдан иборат», деган вазифа қўйилган. Аммо туманда либераллардан 11 нафар депутат борлигига қарамай, депутатлик гуруҳи томонидан бу борада бирорта амалий иш қилинмаган. Фермер хўжаликларида қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш масаласи бўйича туман Кенгаши сессияларига тақлиф киритилмаган.

Демак, ЎзЛиДеПнинг Сайловолди дастуридаги бу ваъда Сирдарё туманида бажарилмапти. Туман ҳокими, халқ депутатлари туман Кенгаши раиси, МТДП аъзоси Баҳодир Сувонов ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳига талабчанликни ошириши керакка ўхшайди. Ана шунда либераллар фермерларни астойдил қўллаб-қувватлаган, туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўшган бўларди.

Мурод ҚОСИМ,  
ЎзХДП фаоли.

Хориж

## ЮРАКНИНГ ТЎХТАШИ

умрининг тугаганини билдиради, аммо...

Дарҳақиқат, юрак уришдан тўхтаса, умр якунига етган бўлади. Аммо олимлар умрни узайтириш ва ҳатто шаққоқлик бўлса-да, ўлган одамни қайта тирилтириш йўлида кўп тажрибалар ўтказмоқда. Бу тажрибаларнинг илк натижалари кўзга ташлана бошлади.

Гап шундаки, австралиялик олимлар ҳужайрани қайта тиклаш ёрдамида тўхтаган юракни қайта ишлаш йўлини кашф қилдилар.

Интернет сайтларида тарқатилган бу хабарда қайд этилишича, тажриба сиқчон ва маймун юрагида синовдан ўтказилди. Уларнинг юрагидаги барча ўлик ҳужайралар олиб ташланиб, ўрнига ўзак ҳужайралари жойлаштирилди. Ҳужайраларнинг кўпайиш жа-



раёни эса тезлаштирилди. Натижа оламшумул бўлди: мазкур тўқималар қайта тикланиб, юрак ура бошлади. Олимлар бу усул одамда ҳам қўлланиши мумкинлигини таъкидламоқдалар.

## СУВ ҚЎЙИЛСА, БАС

ёриқ аста битиб кетади

Замонавий технологияларнинг ривожини ҳар қандай ҳаёли ҳақиқатга айлантирмақда. Бунга ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

ИТАР-ТАСС тарқатган хабарда ёзилишича, америкалик олимлар эластик бетон яратдилар. Қурилиш оламида ўзига хос янгилик бўлган бу кашфиётнинг афзаллиги шундаки, мабодо, бетон деворга дарз кетса, у яна қайта тикланиш хусусиятига эга. Яъни, ёриққа сув қўйилса, бетондаги минерал бирикмалар ҳаводаги карбонат ангидрид ва газ билан бириккиб, ёриқлар ўрнини тўлдирувчи кальций карбонати ишлаб чиқаради.

Бетоннинг сири чиғаноқларни ривожлантирадиган минераллар бирикмасидан тайёрланганидандир. Мазкур хомашедан эндиликда йўллар, кўприклар қурилишида, зилзилага чидамли кўп қаватли бинолар барпо қилишда фойдаланиш мумкин.

## ТЎРТ ЁШЛИ ҚИЗАЛОҚ

ташкilot аъзоси

Тўғма истеъодлар нафақат қадимда, балки бугунги кунда ҳам қишлоқларни лол қолдираётгани бор гап. Буюқ британиялик 4 ёшли Хайди Хэнкинс исмли қизалоқ ҳам ўз истеъодидан билан ҳатто олимларни-да ҳайрон қолдирмоқда, дея хабар беради «Телеграф» нашри.

У олимлар томонидан махсус тестдан ўтказилганда 159 балл баҳо олишга эришди. Мутахассисларнинг айтишича, бун-

дай тестдан ўтган катта ёшдаги одамлар ўртача 100 балл, ўта иқтидорли инсонлар эса 130 баллгача кўрсаткични кўлга кирита олади, холос.

Арифметикани ҳеч бир қийинчиликсиз ҳисоблай оладиган, геометрик шакллارни қойилмақом чизадиган, ўқиш ва ёзишни ўзидан 6-7 ёш катталарга бемалол ўргата оладиган бу қизалоқ айнан ноёб интеллектуал салоҳияти учун интеллектуал салоҳияти юқори қишлоқ ташкilotига аъзоликка қабул қилинди.



# «СУРФИЛ» ЛОЙИХАСИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҲУЖЖАТЛАР ПАКЕТИ ИМЗОЛАНДИ

Лойиҳанинг умумий қиймати қарийб 4 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. «Ўз-Кор Газ Кемикал» қўшма корхонасининг таъсисчилари — Жанубий Кореянинг «KOGAS», «Hoptam», «STX Energy» компаниялари ва «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг умумий қиймати 1,4 миллиард АҚШ долларини ташкил этувчи тўғридан-тўғри инвестициялари, шунингдек, чекланган регресс ҳуқуқи ва кредитларни 16 йил муддатда қайтариш шарти билан лойиҳавий молиялаштириш таъминлашлари асосида жалб қилинган умумий суммаси 2,54 миллиард АҚШ долларини ташкил этувчи кредит ресурслари лойиҳани молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

Жумладан, лойиҳа бўйича заёмли молиялаштиришни ташкил этишда Осиё тараққиёт банки, Корея Республикаси тараққиёт банки, Хитой Халқ Республикаси давлат тараққиёт банки, Европа ва Осиёнинг Корея молия корпорацияси, «ING» (Нидерландия), «KfW» ва «Bayerl LB» (Германия), «Credit Suisse» (Швейцария), «Nordea» ва «SEK» (Швеция) каби ва бошқа бир қатор етакчи тижорат банклари, шунингдек, Жанубий Корея, Германия ва Швейцариянинг лойиҳада иштирок этаётган банкларга суғурта қопламалари тақдим қилган экспорт-кредит агентликлари иштирок этмоқда.

Устурт газ-кимё мажмуаси қурилиши нефть-кимё соҳасида нафақат Ўзбекистон, балки бутун МДХ ҳудудидаги бундай йирик ҳамда узоқ муддатли лойиҳавий молиялаштириш асосида ҳаётга татбиқ этилаётган илк лойиҳадир. Юқорида қайд этилган молиявий ҳужжатларнинг имзоланиши лойиҳанинг асосий босқич бўлиб, у қўшма корхона ва унинг пудратчиларига кенг миқёсдаги қурилиш ишларига киришишни имконини беради. Ушбу лойиҳа Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳукуматлари томонидан фаол сиёсий қўллаб-қувватлаб келинаётганини ҳам алоҳида таъ-

кидлаш жоиздир.

Тошкент шаҳрида 2012 йил 19 май куни бўлиб ўтган кредит ва лойиҳага оид ҳужжатларни имзолаш маросимида инвестор компаниялар, молия институтлари, Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат органлари раҳбарлари мазкур лойиҳанинг ҳаётга татбиқ этилиши табиий газ, шунингдек, полиэтилен, полипропилен ҳамда ички ва ташқи бозорда талаб катта бўлган бошқа турдаги қимматли хомашёлар ишлаб чиқаришни таъминлашни таъкидладилар. Мажмуа ишга тушгач, шунингдек, пластмасса маҳсулотлари, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ўсиб бораётган талабини қондирувчи материаллар тайёрлаш, кимё тармоғи, машинасозлик, электротехника, қурилиш материаллари ишлаб чиқариши каби қўллаб соҳаларда тайёр маҳсулотлар чиқаришни кенгайтириш борасида янги имкониятлар пайдо бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Р.Азимов ўз сўзида таъкидладик, «Президентимиз Ислам Каримов томонидан мазкур лойиҳани амалга ошириш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда, ушбу мажмуа давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизнинг бой хомашё захираларидан юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни, юртимизнинг экспорт салоҳиятини янада юксалтириш, ишлаб чиқариш базасини тубдан модернизация қилиш ва шу асосда янги юқори технологияли қувватлар ва иш ўринлари яратишни ташкил этишда самарали фойдаланиш борасидаги сиёсати муваффақиятли амалга оширилаётганини эътиборга олади.

Ҳужжатларни имзолашга бағишланган бугунги маросим лойиҳани амалга ошириш жараёнидаги муҳим молиявий босқич яқинида етганидан далолатдир. Лойиҳа доирасида хорижий банклар томонидан жалб қилинган заёмли молиялаштиришнинг умумий ҳажми 2,5 миллиард доллардан оши-

шни алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу маблағлар етакчи халқаро молия институтлари ва тижорат банклари томонидан суверен кафолатсиз акратилган халқаро ишбилармон доиралар ва молия институтларининг Ўзбекистонда амалга оширилаётган тузилмавий ислохотларга, йирик юқори технологияли лойиҳаларнинг муваффақиятли рўйбга чиқарилишига, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизнинг барқарор ва изчил ривожланишига, макро-иқтисодий барқарорлик ва кулай инвестиция муҳитига бўлган қатъий ишончидан далолат беради.

«KOGAS» компанияси президенти Чу Канг Су маросимда сўзида қуйидагиларни таъкидлади: «Бугунги ҳужжатларни имзолаш маросими нафақат «Сурғил» лойиҳасига тайёргарлик жараёнининг якунлангани ва уни амалга ошириш бошланганини билдиради, балки юқори технологияли соҳаларга катта ҳажмдаги инвестицияларни кенг қўламда жалб қилишга ҳамда Жанубий Корея ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга қўшма ҳисса қўшаётганидан мамнунман. Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ўзининг ёрқин келажиги сари қатъият билан бораётган Ўзбекистон халқига чин дилдан раҳнақ ва фаровонлик тилайман.

Жанубий Корея кредитни суғурталаш корпорацияси (K-Sure) ижрочи директори Парк Санг Хи лойиҳа барча иштирокчиларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари глобал молия бозорларидаги ҳозирги ноқулай шароитга қарамай, лойиҳага тайёргарлик жараёнини муваффақиятли яқунлаш имконини берганини таъкидлади. Парк Санг Хи, шунингдек, қуйидагиларни алоҳида қайд этди: «Ўзбекистон ва

Жанубий Корея иқтисодий ҳамкорлигининг ёрқин намунаси бўлган мазкур лойиҳа истиқболдаги яна бошқа қўллаб-қувватлаш лойиҳалар учун ўзига хос пойдевор ва намуна бўлиб хизмат қилади. Унинг муваффақиятли амалга оширилиши мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий алоқаларни узоқ муддатли стратегик асосда мустаҳкамлашга катта ҳисса бўлиб қўшилади».

Осиё тараққиёт банки вакили Томас Минник таъкидладик, «мазкур лойиҳа мана шундай янги лойиҳаларни молиялаштиришни ташкил қилишда кенг имкониятлар очади. Ўзбекистоннинг минтақада нефть-газ соҳасидаги етакчи давлатга айланиши, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун ўз хомашё базасига ва саноат қувватларига эга ривожланган давлатлар сафидан жой олишига хизмат қилади». У, шунингдек, лойиҳа самарасида Ўзбекистондаги минглаб ёшларнинг таълим олиши ва уларни иш билан таъминлаш, замонавий кўникмалар ва профессионал кадрларнинг сифат жиҳатдан янги авлоди шаклланишида катта имкониятлар очилиши, буларнинг натижасида Ўзбекистон газ-кимё соҳаси тараққиётида етакчи марказга айланишини қайд этди.

Устурт газ-кимё мажмуаси қурилиши лойиҳаси «Ўз-Кор Газ Кемикал» қўшма корхонаси томонидан амалга оширилади. Мазкур корхона 2008 йилнинг май ойида ташкил этилган бўлиб, устун капиталнинг 50 фоизи «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясига, 50 фоизи Корея газ корпорацияси ва ушбу мамлакатнинг «Hoptam Petrochemical» ва «STX Energy» компанияларига тегишлидир.

Мажмуада Сурғил қони ва Устурт минтақасидаги бошқа газ қонларидан қазиб олинган газ ва газ конденсатидан хомашё сифатида фойдаланилади. Лойиҳада Нидерландиянинг «ING» банки молия консултанти, Буюк Британиянинг «Ve-law&Elkins» ҳамда «Norton Rose» юридик компаниялари ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчи сифатида иштирок этмоқда.

## Тадбир



## БЎЛҒУСИ СЕРЖАНТЛАР ҚАСАМЁД ҚИЛИШДИ

Бугунги кунга қадар бу даргоҳ ички ишлар идораларининг патруль-пост, йўл ҳаракати хавфсизлиги, хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш, қўриқлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жазони ижро этиш, ёнғин хавфсизлиги ва бошқа йўналишлардаги хизматлар фаолияти учун саккиз минг нафардан ортиқ мутахассис сержантлар тайёрлади. Ҳозир улар хизмат вазирасини муваффақият билан бажармоқда.

Ўтган шанба кuni Академия ўқув-дала полигонида Сер-

жантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслар навбатдаги йилги курсантларнинг хизмат қасамёди қабул қилишига бағишланган тантана бўлиб ўтди.

Ҳар бир курсант Ватанимизга ва халқимизга садоқат билан хизмат қилишга онт ичди, тадбирда иштирок этган ота-оналар фарзандлари қасамёдга содиқ қилишига ишонч билдирди.

Тантана сўнггида Ички ишлар вазири Ислам Каримов билан рақс ансамбли хонандалари дилрабо куй-қўшиқлар билан барчага хуш кайфият бағишлади.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Рашид ШОДИЕВ

## «МУСТАҚИЛ ҲУРТ ФАРЗАНДИ, ОНА-ВАТАН СЕНИ ЧОРЛАЙДИ!»

Пойтахтимиздаги 69-умумтаълим мактабида 2011-2012 ўқув йилида Халқ таълим вазирлиги тизимида амалга оширилган изчил ислохотлар масаласига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда вазирликнинг масъул ходимлари, ўқитувчи ва мураббийлар иштирок этди.

Тадбирда жорий ўқув йили даврида пойтахтимизда «Юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлоди тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққиёт этиши ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт» мавзусидаги халқаро конференция ўтказилгани, унда 48 та давлатдан мингдан ортиқ экспертлар Ўзбекистон таълим моделини эътироф этишгани соҳа ходимларига жиддий масъулият юклаши алоҳида таъкидланди.

Халқ таълими вазирлигининг таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бoш бошқармаси бошлиғи Файзулла Аҳмедов 2011-2012 ўқув йилида мамлакатимиз таълим тизимида ўқитиш сифати ва мазмунини яхшилашга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилганига тўхтади. У бу йил 560345 нафар 9-синф битирувчиси ўз қизиқишидан келиб чиқиб академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишни давом эттиришини айтиб ўтди.

Айни пайтда Халқ таълими вазирлиги тизимида 9763 та умумтаълим ҳамда 301 та мусика ва санъат мактаби, 443 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда. Ўтган ўқув йилида 22 та фан бўйича ўтказилган республика олимпиадасининг тўрт босқичида 521 нафар ўқувчи қатнашган бўлса, ундан 47 нафарини умумтаълим мактаби ўқувчилари ташкил этди. Улардан 7 нафари 1-ўринни қўлга киритди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан жорий ўқув йилида 91 та республика мусобақалари ўтказил-

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

## Миллий матбуот марказида

# КРЕДИТЛАР ОИЛАВИЙ БИЗНЕС РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Кеча Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Мустақкам оила йилида Оилавий бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Унда таъкидланишича, тижорат банклари томонидан 2012 йилнинг 4 оyi мобайнида ёш оилаларга тадбиркорлик фаолиятини бошлашлари учун 23,6 млрд сўм, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес-режаларини молиялаштиришга эса 12,6 млрд сўм имтиёзли микрокредитлар ажратилган.

Шунингдек, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга 129,5 млрд сўм, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлаш учун 24 млрд сўм, шахсий ёрдамчи ва деҳқон ҳўжалиқларига йирик шохли қорамоллар харид қилишга 20,8 млрд сўм, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, деҳқон ва фермер, шахсий ёрдамчи ҳўжалиқларига қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, паррандачилик, асарларчилик ва балиқчиликни ривожлантириш учун 142,5 млрд сўм миқдоридан кредит маблағлари йўналтирилди.

— Соҳа субъектларига барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 5 трлн сўмдан ортиқ миқдорда маблағлар йўналтириш чоралари қўрилмоқда. Мазкур ресурсларнинг қарийб 1 трлн сўмини микрокредитлар ташкил этади, — дейди Марказий банк раиси ўринбосари Шўхрат Ҳайдаров.

тижорат банклари шаҳарлар, туман марказлари, шаҳар ва посёлкаларда 2012-2013 йилларда 100 та 48 қаватли уй-жой қурилиши лойиҳасини амалга оширмоқда. Ушбу лойиҳа қиймати 272 млрд сўмини ташкил этади.

**Ёш оилаларнинг турмуш фаровонлигини ошириш бўйича ҳам аниқ чоратадбирлар белгиланган. Хусусан, тижорат банклари томонидан ёш оилаларга энг кам иш ҳаққининг 200 баравари миқдоридан 3 йил муддатга ўзимизда ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари учун кредитлар ажрати берилмоқда.**

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## Реклама

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

### САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҚЎРИҚЛАШ БОШҚАРМАСИ

қуйидаги объектни тўлиғича таъмирлаб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСиз	Қурилиш муддати
1	Пахтачи туманидаги қўриқлаш бўлими биносини капитал таъмирлаш	329 565 889 сўм	274 638 241 сўм	75 кун

**Қурилиш ишлари Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳузурдаги қўриқлаш бошқармаси хусусий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

**Савдо ташкилотчиси** — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи:** Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳузурдаги қўриқлаш бошқармаси.

**Манзили:** Самарқанд шаҳри, Т. Малик кўчаси, 12-уй, **телефон:** (8366) 210-05-86. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан пудрат ташкилотини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки қўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўша ишчиликларда ишлаганилик тажрибасига, қўникмаларга ҳамда шартнома-лар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала

ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатлари мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда қўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:** Самарқанд шаҳри, Қўқ-Сарой майдони, корпус — 2Д, 403-хона. **тел.** 231-13-51, **факс.** 233-32-00.

**Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.** Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

**Тақлифлар (оферталар) очилиш матбуотда эълон қилинганда бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Қўқ-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида, соат 10-00 да ўтказилади.**



Спорт

# СПОРТ, ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

Тошкентда бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақалари ва «Нарру Сагаван» халқаро турнири ниҳоясига етди



RG WORLD CUP  
TASHKENT 2012

Гимнастикачи қизларнинг чиқишлари, гиламдаги энгил, чаққон ва нозик ҳаракатлари томошабинларга завқ бағишлади. Ушбу мусобақалар спорт, айниқса, бадиий гимнастика нафақат жисмоний, балки маънавий гўзаллиқни шакллантириш, шахсни тарбиялашнинг муҳим асосларидан бири эканини яна бир қарра исботлади.

Мамлакатимизда спортни ривожлантириш, болалар ва ёшларни спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш Президентимиз Ислам Каримов томонидан белгиланган ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишдек устувор вазифанинг муҳим таркибий қисmidир. Истиқлолнинг дастлабки кунларидан барча жабҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида ушбу вазифанинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг фармонида биноан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиададан иборат уч босқичли спорт ўйинлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Барча ҳудудларда, ҳатто энг чекка жойларда ҳам халқаро талабаларга жавоб берадиган ва барча зарур анжомлар билан жиҳозланган замонавий спорт иншоотлари қурилди. Уларда болалар ва ёшларнинг кўплаб спорт турлари билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Айни вақтда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш боланинг саломатлиги, ривожланаётган организмга ижобий таъсир кўрсатади. Утган йили Тошкентда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг миллий моделини ўрганишга бағишланган халқаро симпозиумда иштирок этган нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий етакчи олим ва мутахассислар Ўзбекистонда спортни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар аҳоли, биринчи навбатда, болалар саломатлигини мустаҳкамлашда

(Давоми. Боши 1-бетда.)



муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Айниқса, бўлажак оналар — қизларни спортга жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг шу йил 10 февраль кунини бўлиб ўтган йиғилишида таъкидлаганидек, қизларимизнинг соғлом бўлиб улғайиши эртанги кунимизнинг, баркамол авлод дунёга келишининг муҳим омилларидандир.

Шу сабабли мамлакатимизда аёллар спортини, жумладан, қизлар орасида оммалашиб бораётган бадиий гимнастикани ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон спортнинг санъатга ақин ушбу тури кенг миқёсда ривожланаётган мамлакатлардан биридир. Ўзбекистонлик кўплаб машҳур гимнастикачиларнинг номлари жаҳон спорт тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган. Бугунги кунда уларнинг ўрнини йирик халқаро мусобақалар ва турнирларда юқори натижалари билан Ватанимиз довуруғини оламга таратиб, унинг халқаро майдондаги нуфузини оширишга хизмат қилаётган ёш спортчилар эгалламоқда.

Ўзбекистон Гимнастика федерацияси томонидан гимнастикачи қизларимизнинг маҳоратини янада ошириш борасида улкан ишлар амалга ошириляпти. Бутун мамлакатимизни қамраб олган бадиий гимнастика спорт комплекслари ва мактаблари тармоғи ташкил этилди. Юқори малакали хотин-қиз мурабийларни тайёрлаш йўлга қўйилди. Улар ёш спортчиларни тарбиялашда мамлакатимиз ва хорижда тўпланган илғор тажрибалардан кенг фойдаланмоқда.

Жаҳон кубоги босқичи мусобақаларининг Тошкентда тўртинчи марта ўтказилаётгани ҳам Ўзбекистонда бадиий гимнастика юқори даражада ривожланаётганини далолат беради.

...Энг ҳаяжонли дамлар — голиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими бошланади. Майдонга мусобақалар иштирокчилари чиқиб келади. Голиблар номлари эълон қилинади. Кўпқураш баҳслари бўйича биринчи ўринни россиялик Александра Меркулова қўлга киритди. Жаҳон кубоги босқичининг кумуш медалига исроиллик Нета Ривкин, бронза медалига эса қозоғистонлик Анна Алябеева сазовор бўлди. Гуруҳ машқларининг «уч тасма, икки ҳалқа» ва «беш

тўп» деб ном олган икки турини бажаришда Ўзбекистон вакиллари тўртинчи ҳамда бешинчи ўринни эгаллади.

Пойтахтимизда ташкил этилган ва аънанавий тарзда ўтказиб келинаётган ўсмирлар ўртасидаги «Нарру Сагаван» халқаро турнирида иштирок этган ёш спортчиларимиз ҳам ўз маҳорат ва истеъдодини муносиб равишда намойиш қилди. Равиля Фархутдинова тўп ва ҳалқада машқ бажаришда кумуш ҳамда бронза медалларига, Валерия Давидова эса тасма билан машқ бажариш натижалари бўйича бронза медалига сазовор бўлди. Умумжамоа ҳисобида Россия биринчи, Беларусь жамоаси иккинчи, Ўзбекистон ёш гимнастикачи қизлари учинчи ўринни банд этди.

Халқаро гимнастика федерацияси Техник кўмитаси эксперти, мусобақалар бош ҳаками Нуха Абу Шабана бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақалари ва «Нарру Сагаван» халқаро турнирини ёпиқ, деб эълон қилди. У Ўзбекистон гимнастика федерацияси ва бошқа ташкилотчиларга мусобақаларни юксак савияда ташкил этгани учун миннатдорлик изҳор этди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Навбатдаги спорт, нафосат ва гўзаллик байрами ниҳоясига етди. Спорт оламида катта воқеага айланган ушбу байрамда кўплаб янги номлар кашф этилди. Мутахассисларнинг фикрича, мусобақалар халқаро қондаларга тўлиқ мос равишда, ҳалол кураш руҳида ва адолатли ҳақамлик шароитида ўтди.

Тантанали маросим гимнастикачи қизлар ва мамлакатимиз санъат усталари иштирокидаги бадиий дастур билан якунланди.

Анна ИВАНОВА,  
ЎЗА МУХБИРИ.

Ижтимоий ҳимоя

## ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

улар жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ўқитиш ва фаолият кўрсатишига шарт-шароит яратиш бериш муҳим аҳамиятга эга

Соғлиқ — энг азиз неъмат. Ўзимиз, фарзандларимиз саломатлиги аслида катта бойлигимиз, бахтимиздир. Бироқ ҳаётда турли ҳолатларга дуч келинади. Ён-атрофимизда шундай инсонлар ҳам борки, улар алоҳида эътибор ва кўмакка муҳтож.



Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида жойлашган 4-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида ана шундай ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар таълим-тарбия олади. Бу ерда бола нафақат ўқиб-ўрганади, шу билан бирга, доимий шифокор назоратида бўлади.

— Мактаб-интернет сколиоз — умуртқа поғоналари хасталигини даволашга ихтисослашган бўлиб, 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган 400 нафардан ортиқ бола таълим олади. Уларга 40 нафар ўқитувчи, тарбиячи ва тиббиёт ходими хизмат қилади, — дейди мактаб-интернет директори Шохид Аҳмедова. — Биз доимий равишда таълим жараёнига янги педагогик технологияларни жорий қилишга, ўқитувчиларнинг билим ва малакасини оширишга эътибор берамиз. Синфхоналар махсус режимда дарс ўтиш учун мослаштирилган ускуналар билан жиҳозланган. Ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида турли тўғрақлар ташкил этганими. Ёшлар ўз қизиқиши ва истеъдодидан келиб чиқиб, тўғрақларга аъзо бўлишган.

— Болаларни 3-5 ёшдан спортга жалб қилиш яхши самара бермоқда, — дейди даволаш ишлари бўйича директор ўринбосари Матлуба Ёқубова. — Спортга меҳр қўйган боланинг иродаси мустаҳкам, ҳам жисмонан, ҳам руҳан бақувват бўлади. Бизга асосан касаллиқнинг дастлабки босқичида мурожаат қилишади. Спорт инструкторлари болаларни гимнастика орқали даволайди ҳамда ҳар бири билан индивидуал иш олиб боради. Касаллик табиатидан келиб чиқиб, машғулот ўтказилади. Бу эса боланинг тезда бошқа тенгдошлари каби ўзини тутиб олишига кўмак беради. Қолаверса, ҳар бир ўқувчи мактабни тамомлагунга қадар тиббий назоратда бўлади.

Мактаб-интернатда ҳар бир боланинг чуқур билим олиб, жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб вояга етишига алоҳида эътибор берилди. Устоз ва мурабийлар улашаётган меҳр-муруват уларни бошқалардан кам бўлмай, жамият ҳаётида тўлақонли иштирок этишида, айниқса, муҳимдир.

Малоҳат МИНГБӨВА

Муносабат

## ТИНЧЛИК ЙЎЛИДА

тўқилган қон, берилган жон унутилмайди

Пойтахтимиз марказида барпо этилган Хотира майдони халқимизнинг аждодларимизга бўлган ҳурмат ва эҳтирмининг юксак ифодасидир. Бу муқаддас маскан ҳар доим одамлар билан гавжум. Бу ерда Мотамсаро Она ҳайкали пойига гул қўяётган юртдошларимиздан ташқари кўплаб сайёҳларни ҳам учратамиз.



— Тошкентга иккинчи марта келишим, — дейди ҳиндистонлик болалар шифокори Нандипир. — Орадан кўп вақт ўтган бўлмаса-да, ўзгаришлар катта, атроф чиройли ва гавжум. Дарахтлар ва гуллар мени мафтун этиб, автобусимни то-

полмай қолдим. Касбдошларим билан бирга, Хотира майдонига бордик, у ерни томоша қилиш чоғида урушда ҳалок бўлган кишиларнинг исмлари ёзилган рамзий китоблар менда катта таассурот қолдирди.

Уруш қатнашчиларидан кўплари жуда ёш ҳалок бўлган экан.

Бугун мана шундай осойишта, тинч, барқарор сурушатлар билан ривожланаётган Ўзбекистонга кишининг ҳаваси келади.

— Мен бугун фарзандларимни Хотира майдонига олиб келдим, — дейди уй бекаси Мухлиса Тўраева. — Болаларимга боболаримизнинг Ватан учун қилган жасоратлари ҳақида сўзлаб бериш бизнинг бурчимиз. Хотира майдонига олган таассуротлари улар ёдида бир умр сақланиб қолади.

Майдонда уруш қатнашчиларининг номлари қайд этилган китобдан бобомнинг исми-шарифини қидириб топдим. Гарчи у кишини ҳаётлик пайтида кўрмаган бўлсам-да, номи абадий барҳаёт эканлигидан гурурландим. Бу ерда бобом сингари минглаб уруш қурбонларининг номлари муҳрланган. Ватан учун, тинчлик йўлида тўқилган қон, берилган жон асло унутилмайди.

Нурали УЛУҒОВ,  
ЎЗМУ Олий журналистика курси тингловчиси.

Обод манзиллар



## «БАХТИЁР ОНА» ХИЁБОНИ

Мустаҳкам оила йилида Денов тумани марказида она ва бола сиймоси гавдалантирилган монументаль асарни мужассам этган «Бахтиёр она» хиёбони барпо қилинди. Хиёбоннинг атрофи гуллар билан безатилган, фавворалардан отилиб чиқаётган сувлар кишига завқ бағишлайди.

Бу ерда маданий ҳордиқ чиқариш учун ўриндиклар ҳам қўйилган. «Бахтиёр она» хиёбони «Хотира майдони»га уйғун тарзда бунёд этилди.

Шаҳар ҳўсинига-хўсин қўшган яна бир мажмуа — «Шарқ гранд синема» кинотеатри иш бошлади. 600 томошабинга мўлжалланган бу масканда хизмат кўрсатиш шохбчалари йўлга қўйилган. Кинотеатрда таниқли санъаткорлар, кино ус-

талари, ижодкорлар билан учрашувлар уюштирилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бундай бунёдкорликлар инсон манфаатлари учун хизмат қилиб, ҳар бир фуқаро қалбини ифтихор туйғулари билан тўлдираяпти, эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаяпти.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

1-Республика тиббиёт коллежи томонидан 2007 йилда Маҳжумова Феруза Бахтияровна номига берилган қайд рақами № 7331, №787996 сонли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси, партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Тошкент шаҳар партия кенгаши ЎзХДП Мирзо Улуғбек туман кенгаши раиси Саида САДЫКОВАнинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИС:



Bosh muharrir: Safar OSTONOV

ТАНРИР НАҲҲАТИ:

Abdulla ORIPOV  
Latif G'ULOMOV  
Bobir ALIMOV  
Sharbat ABDULLAYEVA  
Murodulla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV  
Tat'yana KISTANOVA  
G'affer HOTAMOV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Muslihidin MUHIDDINOV  
Ochilboy RAMATOV  
Saidahmad RAHIMOV

BO' LIMLAR:  
Parlament faoliyati — 233-10-13; Pariya hayoti — 233-11-49;  
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;  
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;  
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;  
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;  
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:  
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

\*Sharq\* nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi.  
Korxonada manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.  
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz  
Г — 546  
17356  
nuxxada bosildi.  
t — Tijorat materiallari  
O'zA yakuni — 21.00  
Topshirilgan vaqti — 00.00  
Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:  
Abdusalim MAHMUDOV  
Sahifalovchi-dasturchilar:  
Sobirjon TUNG'ATOV,  
Zafar BAKIROV  
ISSN 2010-7433  
1 2 3 4 5